

Мухаммадиев Р.Р.

Мирзо Улуғбек номидаги
ЎзМУ, катта ўқитувчи PhD
m.raxmon@nuu.uz

**УСМОН ЮСУПОВНИНГ СИЁСИЙ РАЎБАРЛИКДАН
ЧЕТЛАТИЛГАНДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ МЕЎНАТ
ФАОЛИЯТИ (1955-1966 йй.)
АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистон ССР ва иттифок миқёсида 1937-1954 йилларда турли даражадаги раёбарлик лавозимларида ишлаган Усмон Юсуповнинг, сиёсий бошқарувдан четлаштирилгандан кейинги йиллардаги тақдири ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, Усмон Юсуповни Тошкент вилоятининг Боёвут-4 совхози ва Халқабод комбинатларига раёбарлик қилган йиллардаги меёнат фаолияти, ўша даврда республиканинг энг қолақ хўжаликларидан бири Боёвут-4 совхозида пахта ҳосилини кўпайтириш, колхозчи-деҳқонларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширган ишлари, Халқабод комбинатини иттифокда машҳур бўлган агросаноат комплексига айлантира олганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Усмон Юсупов, Боёвут-4, Халқабод, Янгийўл, республика, партия, иттифок, пахта, совхоз, комбинат.

Мухаммадиев Р.Р.

Старший преподаватель, PhD НУУз
имени Мирзо Улуғбека
m.raxmon@nuu.uz

**ТРУДОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УСМАНА ЮСУПОВА ПОСЛЕ
ОТСТРАНЕНИЯ ОТ ПОЛИТИЧЕСКОГО РУКОВОДИТЕЛЯ
(1955-1966 гг)
АННОТАЦИЯ**

В представленной статье даётся сведения о судьбе Усмана Юсупова, работавшего на различных руководящих должностях в Узбекской ССР и бывшем Союзе в 1937-1954 гг., а также в годы, когда он был отстранен от политического руководства. Также, работа Усмана Юсупова в годы, когда он был начальником совхоза «Баявут-4» и Халькабадского комбината

Ташкентской области, его работа по повышению урожайности хлопка в совхозе «Баявут-4», в одном из самых отсталых хозяйств республики и улучшения жилищных условий колхозников-крестьян, прославили в союзе Халкабадский комбинат. В статье также отмечается, что он смог превратить его в агропромышленный комплекс.

Ключевые слова: Узбекистан, Усман Юсупов, Баявут-4, Халкабад, Янгиюль, республика, партия, союз, хлопок, совхоз, комбинат.

R. R. Mukhammadiev,
Senior Lecturer, PhD of NUU
named after Mirzo Ulugbek
m.raxmon@nuu.uz

WORK ACTIVITIES OF USMAN YUSUPOV AFTER THE REMOVAL FROM THE POLITICAL LEADER (1955-1966)

ABSTRACT

This article provides information about the fate of Usman Yusupov, who worked in various leadership positions in the Uzbek SSR and the former Soviet Union in 1937-1954, as well as in the years when he was removed from political leadership. Also, the work of Usman Yusupov during the years when he was the head of the Bayavut-4 state farm and the Khalkabad combine in the Tashkent region, his work to increase the cotton yield at the Bayavut-4 state farm, in one of the most backward farms in the republic and improve the living conditions of collective farmers - peasants, glorified the Khalkabad plant in the union. The article also notes that he was able to turn it into an agro-industrial complex.

Keywords: Uzbekistan, Usman Yusupov, Bayavut-4, Khalkabad, Yangiyul, republic, party, union, cotton, state farm, combine.

КИРИШ

Халқимизнинг буюк ўтмишини, жамият ва давлат тараққиёти йўлида хизмат қилган аждодларимиз, давлат ва жамоат арбобларининг фаолиятларини ўрганиш, тарихимизни улар яшаган даври ҳақида тўлиқроқ хулоса чиқаришимизга имкон беради. Совет ҳокимияти йилларида раҳбарлик партиявий бошқарувда ишлаган Усмон Юсуповнинг сиёсий фаолиятдан четлатилгандан кейинги даврдаги меҳнат фаолиятини кенгроқ ўрганиш, унинг

раҳбарлик йилларидаги фаолияти ҳақида аниқроқ хулоса чиқариш, ҳамда тарихимизнинг бизга номаълум бўлган қисмларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Усмон Юсуповнинг 1955 йилда партиявий бошқарувдан четлатилгандан кейинги меҳнат фаолияти совет ҳокимияти даврида ва мустақиллик йилларида бир қатор тарихчи тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, ҳозирда ҳам бу борада тадқиқотлар давом этмоқда. Жумладан, Усмон Юсуповнинг 1955-1966 йилларга оид меҳнат фаолияти Б.Ресков, Г.Седов, Н.А.Муҳитдинов, М.Искандеров, Т.Жамоловларнинг китоб ва мақолаларида акс этган бўлиб, бу тадқиқотларда унинг совет давлати ва мафкурасига содиқ хизмат қилганлиги баён қилинган. Мустақиллик йилларида Усмон Юсуповнинг сиёсий раҳбарликдан четлатилгандан кейинги йиллардаги фаолияти Қ.Ражабов, А.Абдураззоқов, Р.Шамсутдинов каби тарихчи олимлар томонидан совет даври чуқур таҳлил қилинган ҳолда, ҳолисона руҳдаги тадқиқотлар яратилган.

Мақолада умум қабул қилинган усуллар тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Усмон Юсуповнинг партиявий бошқарувдан четлатилгандан кейинги 1955-1966 йиллардаги фаолияти баён қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

1954 йил 18 декабрда КПСС Марказий Комитети биринчи секретари Никита Хрущёв бошчилигида Тошкентда йиғилиш ўтказилиб, унда 54 ёшли Усмон Юсупов ноҳақ равишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси лавозимидан олиб ташланади ҳамда кейинчалик Мирзачўлдаги “Боёвут” совхозига директор қилиб жўнатилади [1, 233]. Агар ўша вақтда Усмон Юсупов ўзи хоҳлаганида бирон бир дипломатик бўлимда ёки матлубот кооперациясида кичикроқ раҳбар лавозимида ишлаши мумкин эди. Бироқ бундай лавозимда қолиб ишлаш учун Усмон Юсупов партия ва ҳукуматнинг юқори лавозимдаги раҳбарларига илтимос қилиши ва уларнинг айтганларини сўзсиз бажариши керак бўларди [2, 237]. Усмон Юсуповни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси лавозимидан олиниб, кичик бир совхозга директор

килиб юборилиши ўша даврда шубҳасиз республика даражасидаги сиёсий раҳбар шахс учун сургун қилинишдек аҳамиятга эга эди.

1955 йилнинг феврал ойида Боёвут-4 совхозида директорлик лавозимида киришган Усмон Юсупов олдида бир қатор ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар мавжуд эди. Совхоз хўжалиги республика бўйича охириги ўринлардан бирида бўлиб, фойдаланиладиган ерларнинг 60 фоизи шўрланиб, пахта экиш, деҳқончилик қилиш учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган, бу ерда яшовчи аҳолининг турмуш шароити ҳам оғир бўлиб, бу муаммоларнинг барчасини ҳал этиш учун Усмон Юсуповдан ташкилотчилик маҳорати ва сабр матонат талаб этиларди [3, 14].

Усмон Юсупов Боёвут-4 совхозида шўр босган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, етиштириладиган пахта ҳосилини кўпайтириш борасида бир қанча чора тадбирларни амалга оширган. Жумладан, шўр босган ерларни яроқли ҳолатга келтириш учун бундай ерларга шоли экишни жорий қилган. Бунинг учун Боёвут-4 совхозига Фарғона водийси ва Хоразм вилояти колхозларидан мутахассис шоликорлар таклиф қилиниб уларнинг иш тажрибаси маҳаллий ишчи-деҳқонларга ўргатилган. Ушбу тажриба шўр босган ерларда яхши самара бериши ўз исботини топгач, орадан бир неча йил ўтиб Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Шўр босган ерларга дастлаб шоли экиб, сўнгра пахта етиштириш тўғрисида” кўрсатмаси қабул қилинган [4, 244].

Боёвут-4 совхозида ишчи кучининг етишмаслиги минглаб гектар ердаги пахтани ёз ойларида суғориш ишларини қийинлаштирарди. Бунга ечим топиш учун Усмон Юсупов Тошкент ирригация институтининг доценти Григорий Хорст билан совхознинг пахта далаларида суғориш тизимини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Ўрганишлар натижасида чўл шароитида пахтани суғориш учун ўқ ариқ олишдан воз кечиш ва пахта қаторларини бевосита каналдан сув ичадиган тақсимловчи жўяклар гуруҳи билан алмаштириш керак деган хулоса келишган. Олиб борилган ўрганишлар натижалари сифатида “Ўзбекистон социалистик қишлоқ хўжалиги”

журналининг 1956 йилдаги ўн биринчи сониди “Мирзачўлда ғўзани суғоришни рационализация қилиш йўллари” номли мақола эълон қилинган [5, 76].

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 1958 йил 26 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Пленумида “Республика колхоз ва совхозларида ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинади. Унда 1957 йилда яхши натижа берган пахта далаларини тақсимловчи жуяклар орқали суғоришни ташкил қилиш, яхлит далаларни ўқ ариқлар орқали бўлиб-бўлиб суғориш каби қийин ва зарарли тажрибадан воз кечиш кўрсатилган [6]. Мана шу каби фактлар Усмон Юсуповни қишлоқ хўжалиги хусусан, пахтачиликда маълум бир тажрибага эга раҳбар бўлганлигидан далолат беради.

Усмон Юсуповни сиёсий фаолиятидаги ўз устози деб билган Нуриддин Муҳитдинов ўз хотираларида Усмон Юсупов Боёвут-4 совхозига директор бўлиб ишлаган пайтларда ҳам партиянинг баъзи бир раҳбарлари томонидан уни бутунлай партиядан ўчириш борасида турли бўҳтонлар ўйлаб топишган деб қайд этади [7, 171]. Аммо, Усмон Юсупов ўзига қарши бўлган барча раҳбарларни шароити оғир бўлган совхозда амалга оширган ишлари ва эришилган ютуқлар билан унинг раҳбарлик қобилиятини тан олишларига мажбур қилган.

1956 йил 6 мартда Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театри залида Тошкент вилоят партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Н.А.Муҳитдинов иштирок этиб “КПСС XX съездининг якунлари ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида” доклад қилади. Шунингдек, йиғилишда Тошкент вилоят партия қўмитасининг котиби С.Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Маданият министри ўринбосари С.Азимовлар маъруза қилади. Улар ўз маърузаларида шахсга сиғиниш партия ҳаётининг ленинча нормаларини қўпол равишда бузишга олиб келишини, ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ва оммавий ташаббусни бўғишини

таъкидлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Усмон Юсупов шахсга сиғинишни авж олдириб келганлигини, кадрлар танлашда партия принципларини қўпол равишда бузиб келганлигини айтганлар [8].

Боёвут-4 совхозида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун биринчи навбатда йўл, уй-жой, мактаб ва шифохона қуриш ишларини амалга ошириш лозим эди. Усмон Юсупов ўша вақтларда “Голодностепстрой” бошқармаси бошлиғи А.А.Саркисовдан ёрдам олиб, совхоздаги одамларни ҳашарга уюштирган ҳолда асосий тупроқ йўллари тош-шағалли қилиб таъмирлатишга эришган [9, 25]. Йўл ва шароитнинг яхшиланиб бориши ортидан совхозга қўшни колхоз ва туманлардан деҳқончилик ва пахта етиштиришда асосий ишчи кучи бўлган янги оилаларни қўчиб келиши қўпайган.

1958 йил 11 июнда “Қизил Ўзбекистон” газетасида журналист Б.Маҳмудовнинг “Мирзачўл қурилишларини тезлаштириш керак” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда республикадаги баъзи министрликлар, идоралар ва ташкилотлар Мирзачўлда бўлаётган қурилишларга бефарқ қараб, бу муҳим ишларни сунъий равишда кечиктираётганлиги, Ўзбекистон ССР Автомобил транспорти ва тош йўллар министрлиги, республика Маданият, Маориф, Соғлиқни сақлаш министрликлари эътиборсизлиги орқасидан Мирзачўлдаги совхозларнинг марказларида кинотеатрлар, клублар, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, туғруқхоналар қурилишлари жуда секин олиб борилаётганлиги таъкидланган [10]. Ушбу маълумотлар Усмон Юсуповни Мирзачўлни ўзлаштирилаётган ҳудудларидан биридаги шароити оғир совхозга раҳбар қилиб юборилганлигидан далолат беради.

1958 йил ёз ойларининг охирида Боёвут-4 совхозига Жиззах вилоятининг Фориш туманидан 100 та хўжалик қўчиб келган. Қўчиб келган одамлар ўзлари ҳашар йўли билан хом ғишдан уйлар қуришган, аммо ёғоч ва тахта бўлмаганлиги учун томларни ёпишни иложи бўлмаган. Қурилиш материаллари сўраб туман, вилоят қурилиш бўлимлари, партия ташкилотларига қилинган мурожаатлар баъзи бир шахсий келишмовчиликлар

туфайли турли баҳоналар билан кечиктириб келинган. Мана шундай бир вазиятда Усмон Юсупов шахсан ўзи Тошкентда юқори лавозимда ишловчи эски танишлари орқали ёғоч-тахта ортилган беш вагон юкни совхозга олиб келган [11, 41]. Усмон Юсуповни раҳбар сифатида мана шундай қийин ҳолатда ҳам вазиятга муносиб ечим топа олган.

Усмон Юсупов Боёвут-4 совхозини илғор хўжаликлар қаторига қўшиш учун аҳвол оғир, ишчи кучи кам бўлган мураккаб бир шароитда совхозда механизаторлар тайёрлаш, иш унумдорлигини оширишда техникадан самарали фойдаланишни ташкил қилган. Бу режаларни бажариш учун 1959 йилда совхоздаги экин майдони 200 гектардан ортиқ бўлган бўлимларга биттадан ДТ-54 русумли трактор бириктириб берилган. Шунингдек, ўз еридан юқори пахта ҳосили етиштирган бўлимларга шахсий хўжаликларида боқиладиган чорва моллари учун беда экишга ҳам рухсат берилган [12, 274].

1959 йил 8 апрелда Тошкент вилоят партия қўмитасининг пленумида нутқ сўзлаган Усмон Юсупов ишчи ва бўлимларга уларнинг бажарган ишларига қараб ҳақ тўлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун пахта экиш ва теришда қишлоқ хўжалиги техникалардан самарали фойдаланиш, бунинг учун МТСлар ҳисобидаги тракторларни бўлимларни ўзига механизаторлар билан биргаликда бириктириб бериш ҳамда иш сифатига қараб тўланадиган пул миқдорини ошириб боришни таклиф қилади [13].

Усмон Юсупов Боёвут-4 совхозида беш йил директор бўлиб ишлаган. Шу вақт ичида у совхоз ишчи-деҳқонлари билан биргаликда катта ютуқларни қўлга киритган. Жумладан, Усмон Юсупов Боёвут-4 га директор қилиб юборилган дастлабки пайтда совхоз қорамол фермасида 29 бош соғин сигир бўлган бўлса, нафақа чиқиб бу ердан кетаётган пайтда соғиладиган сигирлар 300 бошни ташкил қилган. Энг катта ютуқлар шубҳасиз, пахта етиштиришда қўлга киритилган. Боёвут-4 совхозини ҳам Усмон Юсупов раҳбарлик қилган йилларда республиканинг бошқа хўжаликлари сингари белгиланган режаларни кет-кетма бажара бошлаган. Унинг бу ютуқлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан фахрий ёрлик

ва “Рекорд” русумли радио аппарати билан мукофотланган [14, 259]. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 7 февралдаги №70-сонли қарори билан Усмон Юсуповга иттифоқ миқёсидаги пенсия тайинланган [15, 36].

Лекин Усмон Юсуповнинг раҳбарликдаги бой тажрибаси ва ташкилотчилик қобилияти ҳисобга олиниб, республика ҳукумати 1962 йилда уни Тошкент вилояти Янгийўл районидаги кўп тармоқли “Халқобод” комбинатига директор қилиб тайинлайди. Мазкур комбинат тез орада ўзининг эришган катта ютуқлари билан нафақат республикага, балки бутун иттифоққа танилади. Бунда биринчи навбатда Усмон Юсуповнинг хизмати катта бўлган [16, 30].

Усмон Юсупов боғдорчилик, узумчилик соҳасида уйлаб юрган режаларини амалга ошириш учун республика ва иттифоқ ҳукуматига лойиҳа қиймати 49,9 миллион сўмлик Янгийўл районининг Бўзсув анҳори бўйида фойдаланилмай ётган 9 минг гектардан ортиқ ерда боғ яратиш ташаббуси билан чиқади. Режага кўра олти минг гектар ерда боғ барпо этиш, икки минг гектар ерда ток кўчати ўтқазиш, қолган майдонда иссиқхона, холодильниклар қуриш, кам қувватли консерва заводини реконструкция қилиб, уни йилига 70 миллион банка сабзавот ва мева консерваси бериш даражасига кўтариш керак эди. Шунингдек, Янгийўл вино заводи йилига етти миллион декалитр вино ва коньяк бериши, бирлашма ҳар бир мавсумда 115 минг тонна мева, 35,5 минг тонна узум, 350 тонна гўшт, 3 минг тонна сут, 80 тонна асал, 13 минг тонна сабзавот бериши режалаштирилган [17, 263].

Янги ерларни ўзлаштириш, катта майдонда боғ яратиш учун техника жуда зарур эди. Қўриқ чўл қурилиши бошқармаси (Главголодностепстрой)ни бошлиғи А.А.Саркисов Усмон Юсуповнинг илтимосига кўра Мирзачўлга олиб кетилаётган, Газ-51, Газ-52 русумли юк машиналаридан 30 тасини Халқободга бериб кетган. У вақтда қишлоқ хўжалиги техникалари, юк машиналари, ҳаттоки улар учун эҳтиёт қисмлар ҳам Москва тақсимооти орқали берилган [18, 44].

1966 йил 26 апрелдаги Тошкентда содир бўлган зилзиладан сўнг Усмон Юсуповни соғлиғи ёмонлашади. Бир неча кунлик хасталикдан сўнг, 1966 йил 7 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси, Тошкент вилоят Янгийўл районидаги “Халқобод” комбинатининг директори Усмон Юсупов 66 ёшда вафот этади. Медицина хулосасига кўра Усмон Юсупов бир неча йиллар давомида атеросклероз, гипертония касаллиги билан оғриб юрган. Уч марта миокард инфарктини бошдан кечирган. Охирги марта 27 апрелдаги бош миёга қон қўйилиши асоратидан вафот этгани шифокорлар томонидан тасдиқланган [19].

1966 йил 18 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми ва республика Министрлар Совети Усмон Юсупов хотирасини абадийлаштириш масаласини кўриб чиқилган. Йиғилиш қарорига кўра, унинг партия, халқ хўжалиги, саноат соҳасида амалга оширган улкан ишлари инobatга олиниб, Катта Фарғона канали, “Халқобод” комбинати, “Фарғона” боғдорчилик-узумчилик совхози, Фарғона районидаги 45-сонли мактаб, Тошкентдаги Полиграфия кўчаси ва бошқа кўплаб жойларга Усмон Юсупов номи берилган [20].

1974 йил 24 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва республика Министрлар Совети йиғилишида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг филиали сифатида Янгийўл шаҳрида Усмон Юсупов уй-музейини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. 1975 йил 1 мартда Усмон Юсуповнинг 75 йиллик юбилеи муносабати билан уй-музей тантанали равишда очилган [21, 3].

Усмон Юсупов вафотидан сўнг, айниқса қайта қуриш йилларида унинг фаолиятига бўлган турли хил зиддиятли қарашлар кўпайиб кетган. Жумладан, 1988 йилда “Известия”, “Литературная газета”, “Московские новости” газеталарида, “Крокодил” ҳажвий журналарида Усмон Юсупов шахси, унинг сиёсий фаолияти ҳақида мақолалар эълон қилинган. Жумладан, “Крокодил” ҳажвий журналаридаги “Храбрецы!” номли мақоланинг муаллифи СССР халқ

рассоми, санъатшунос Сергей Алексеевич Григорьев, ўз мақоласида “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан Озарбайжонлик сценарист Рамз Фаталиев ва ўзбек режиссёри Дамир Салимов ҳамкорлигида сураатга олинган Усмон Юсупов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Ҳаёт мазмуни” киносига танқидий муносабат билдириб, советлар доҳийси Сталиннинг содик хизматчиси, бир нечта хотинлари бўлган деган иддаолар билан у ҳақда кино олингани танқид қилади [22, 11]. Иттифоқ раҳбарияти талаби билан, 1950-1953 йилларда СССР Пахтачилик министри бўлган Усмон Юсупов пахта ҳосилини кўпайтириш мақсадида Россиянинг жанубий ҳудудлари, жумладан Украина жанубига ҳам пахта эктиришга мажбур бўлган. Бу Украина кишлок хўжалигига салбий таъсир кўрсатган. Шу сабаб пахта етиштириш тажрибасидан беҳабар, украин халқининг қийинчиликларини кўрган Григорьев буни Усмон Юсупов ўз мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда, атайлаб ўйлаб топган деб тушунган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юқоридаги Усмон Юсупов шахси ва унинг сиёсий фаолиятига салбий фикр билдирилган мақолаларга раддия сифатида 1988 йил йил октябрда бир гуруҳ ўзбекистонлик Усмон Юсупов даврида у билан биргаликда меҳнат қилган партия, уруш ва меҳнат фахрийлари “Правда Востока” газетасида эълон қилинган мурожаат мактубида, улар томонидан билдирилган салбий фикрлар, айблар, ҳақоратларни асоссиз эканлиги таъкидлаб, ўзлари билан узоқ вақт бирга ишлаган Усмон Юсупов, унинг фаолияти давомида қилган ишлари, халқ билан биргаликда эришган ютуқлари ҳақида ўзлари билган бор ҳақиқатни айтишади [23]. “Правда Востока” газетасининг ноябрь ойи сонидида таниқли олимлар - тарих фанлари докторлари М.Искандаров ва Ф.Исҳоқов томонидан Усмон Юсупов ҳақида катта очерк эълон қилинади. Унда муаллифлар Усмон Юсуповнинг фаолиятига баҳо бериб, унинг совет ва партия ходими сифатида ўз даври учун қилган ишларини давр тақозоси эканлигини таъкидлашади [24].

Усмон Юсупов ўз сиёсий фаолияти давомида бир қатор ютуқларга эришган, камчиликларга ҳам йўл қўйган, унинг раҳбарлик даври

Ўзбекистоннинг энг мураккаб ва қийинчиликларга тўла қатағон даври, Иккинчи жаҳон уруши йиллари, урушдан кейинги халқ хўжалигини қайта тиклаш йилларига тўғри келган. Лекин шунга қарамасдан Усмон Юсупов совет ҳокимиятига хизмат бўлсада, ўз халқининг турмуш шароитларини яхшилашга ҳаракат қилган. Унинг фаолиятига 1987 йил “Ёшлик” журнаliga берган интервьюсида Нуриддин Муҳитдинов қуйидагича баҳо берганди:

“...Узоққа бормай республикамизни олайлик. Етмиш йил ичида қанчадан қанча раҳбарлар келиб кетди. Кимлар партия Марказий Комитети секретари, кимлар Олий Совет Президиуми раиси, яна бошқалар республика Министрлар Совети раиси, обком секретарлари бўлишди. Лекин ҳар қайсиси ҳар хил тарзда ўз ишига яқун ясади. Ким хизматига яраша элда обрў топди, ким қилмишига яраша халқнинг нафратига учради. Биз шу йиллар ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бир қанча секретарларини кўрдик. Мен шулардан атиги иккитасининг тақдирига эътиборингизни қаратмоқчи эдим.

Улардан бири - Усмон Юсупов 13 йил Марказий Комитетга секретарлик қилиб, республикани катта ғалабаларга олиб келди. Айниқса уруш вақтидаги энг оғир кунларда республика меҳнаткашларини қийин ва тифиз вазифаларни бажаришга сафарбар эта олди. У халқ билан гаплаша биларди. Республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳеч назардан қочирмас, шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг йўлини тўғри амалга оширишга сидқидилдан ҳаракат қилар эди. Энг муҳими, халққа суянардик, ўз вақтида сафарбар этилган халқ нималарга қодирлигини ўз тажрибасидан жуда яхши биларди ва ундан мурувватини ҳеч аямасди. Тўғри, ўша йилларда ҳам анча-мунча камчиликлар бўлган. Шу жумладан, Усмон ака ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйган. Лекин бу унинг республика тараққиёти учун қилган меҳнатлари олдида мисқолчадир. У партиявий ишни тўғри йўлга қўйиб, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эришгани, уларни катта бунёдкорлик ишларига отлантира олгани аниқ. Ана шу чин юракдан қилган меҳнатлари эвазига ҳам у бутун халқ юрагида қолди. Иззати абадий” [25, 4].

Усмон Юсупов раҳбар сифатида санъат ва маданият соҳасидаги иқтидорли ёшларни доим қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган. У бу борада нафақат Ўзбекистон балки қўшни республикалардаги ана шундай иқтидорли кишиларга ҳам кўмак берган. Жумладан, уруш йилларида таниқли қозоқ кўшиқчиси, СССР халқ артисткаси Роза Багланова санъатдаги илк қадамларини Усмон Юсуповичнинг кўмаги билан бошлаган. Усмон Юсупов шахсан унга Москва консерваториясига йўлланма ва мукофот сифатида минг рубль берган. Роза Багланованинг ўзи бу ҳақда хотираларида шундай тасвирлайди: “... Усмон ака менга қанот бағишладилар, у киши мен учун барча шароитларни яратди, оиламга моддий ёрдам кўрсатди. Шаҳар марказида (Москва), Кафанов кўчасидаги, Тихий бурчагидан №11-сонли квартирани ажраттириб берди...” [26, 32].

Таниқли рус ёзувчиси Константин Симонов, Совет Иттифоқи қаҳрамони “Генералиссимус” китобининг муаллифи Владимир Карповлар Усмон Юсуповнинг урушдаги буюк ишларини ўз асарлари ва эсдаликларида алоҳида ҳурмат билан қайд этганлар. Иттифоқ ёзувчилар уюшмаси котиби урушдаги жанговар хизматлари учун Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазавор бўлган Владимир Карпов ўз эсдаликларида Усмон Юсуповни шундай эслайди: “Усмон Юсупов менинг бутун ҳаётимда эсда қоладиган мана бу фикрни айтган эди Қимматли Володя шуни билгинки, сен олган бу мукофот, сенинг кўкрагингда порлаб турган бу юлдуз ҳаётингда ёрдам беради. Сен ўсасан, иш ва лавозим бўйича олға қараб борасан” [27].

Усмон Юсуповнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Ўзбекистон ва совет иттифоқи олдидаги машаққатли меҳнатлари, урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини барча тармоқларини қайта тиклаш, юксалтириш йўлидаги хизматлари тириклик пайтида турли сабаблар билан айбланиб тазйиқларга учраган бўлсада, аммо вақт ўтиб унинг бу хизматлари Марказ раҳбарияти томонидан эътироф этилди. Жумладан, 1975 йилда Усмон Юсупов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан ёзувчилар Борис Ресков ва Геннадий Седов томонидан Усмон Юсупов ҳаёти ва меҳнат фаолиятига

бағишланган “Усмон Юсупов - ажойиб кишилар ҳаёти” номли асар яратилди. Биографик китоблар туркумига тегишли бўлган асар 1976 йил Москванинг “Молодая гвардия” нашриёти томонидан олтмиш беш минг нусхада нашр қилинди [28, 256]. Ўзбекистон халқи совет иттифоқининг қайта қуриш сиёсати авж олган ва “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” каби кампания асоратларидан азият чекиб турган бир пайтда, 1987 йилда Марказ топшириғи билан Озарбайжонлик Рамз Фаталиев сценарийси асосида режессёр Дамир Салимов томонидан Усмон Юсуповнинг ҳаёт ва раҳбарлик йўлига бағишланган “Ҳаёт мазмуни” номли икки қисмдан иборат биографик фильм сурагга олинган. Усмон Юсупов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мана шу икки асар, ўз вақтида совет раҳбарияти томонидан унинг марказ, партия ва халқ олимпиадаги бекиёс хизматлари, қилган фидокорона меҳнатларининг йиллар ўтсада тан олинганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Юсупов фаолиятининг Ўзбекистон халқи унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ривожига ўз ўрни бор. У ўз раҳбарлик фаолияти давомида халқ билан биргаликда ўз даври учун қийин ҳисобланган бир қанча зафарли ишларни амалга оширган, энг қийин паллаларда ҳам халқни бу каби ишларга сафарбар қила олган. Усмон Юсупов совет ҳокимиятига хизмат қилишга мажбур бўлган бўлсада, аммо барибир ўз сиёсий раҳбарлик имконияти доирасида халқ манфаатлари учун керакли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилган.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Ўзбекистон ССР раҳбариятининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти (1945-1983 йиллар). Масъул муҳаррир: Қ. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2020. – Б. 223.
2. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 237.
3. Жамолов Т. Мирзачўл: кеча, бугун, эрта. – Тошкент: Меҳнат, 1987. – Б. 14.

4. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 244.
5. Юсупов У.Ю., Хорст Г.А. «Пути рационализации полива хлопчатника в Голодной степи» // Социалистической сельской хозяйство Узбекистана, 1956. №11. – С. 76.
6. Қизил Ўзбекистон. 27 июнь 1958 йил. №149.
7. Муҳитдинов. Н.А. Усмон Юсупов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №1. – Б. 171.
8. Қизил Ўзбекистон. 9 март 1956 йил. №59.
9. Жамолов Т. Мирзачўл: кеча, бугун, эрта. – Тошкент: Меҳнат, 1987. – Б. 25.
10. Қизил Ўзбекистон. 11 июнь 1958 йил. №135.
11. Абдураззоқов А. Абадий барҳаёт сиймолар. – Тошкент: “Turon-Iqbol”, 2019. – Б. 41.
12. Юсупов У. Избранные труды. Том III. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 274.
13. Правда Востока. 10 апреля, 1959 года. №84.
14. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 259.
15. Ўз МА, Р-837 - жамғарма, 38 - рўйхат, 9272 - йиғма жилд, 36 - варақ.
16. Ўзбекистон ССР раҳбариятининг ижтимоий ва сиёсий фаолияти (1945-1983 йиллар). Масъул муҳаррир: Қ. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2020. – Б. 30.
17. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 263.
18. Абдураззоқов А. Абадий барҳаёт сиймолар. – Тошкент: “Turon-Iqbol”, 2019. – Б. 44.
19. Қизил Ўзбекистон. 8 май 1966 йил. №102.
20. Қизил Ўзбекистон. 19 май 1966 йил. №112.

21. Кандалова К., Абдураззаков А. Дом-музей Усмана Юсупова. – Ташкент: «Фан», 1978. – С. 3.
22. Григорьев С. Храбрецы! // «Крокодил» июль 1988 год. №21. – С. 11.
23. Письмо в редакцию. Критерий гласности – правда // Правда Востока. 22 октября 1988 г. №238.
24. Искандеров М., Исхаков Ф. С позиции исторической правды об отдельных событиях и личностях // Правда Востока. 27 ноября 1988 г. №274.
25. Мухитдинов Н. Мангу сабоқ // Ёшлик. – Тошкент, 1987. №6. – Б. 4.
26. Кахаров А. Воспомнания и раздумья золотодобытчика СССР. – Москва: Издательство, 2016. – С. 32.
27. Шамсутдинов Р. Юрт равнақи йўлида хизмат қилган сиймо – Усмон Юсупов // <https://xs.uz/uzkr/post/yurt-ravnaqi-jolida-khizmat-qilgan-sijmo-usmon-yusupov> (2021 йил, 30 июнь).
28. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов: Жизнь замечательных людей: Серия биографий. – Москва: Молодая гвардия, 1976. – С. 256.